

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**136** «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
13 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-3*

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 1-сон, 1-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрда-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

ги ПФ–4483-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 521-модда) ва 2013 йил 28 августдаги ПФ–4561-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 36-сон, 477-модда) фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 майдаги 140-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фонд бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» 2012 йил 19 мартдаги ПҚ–1727-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 21-сон, 230-модда) ва 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рұхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ–4453-сон Фармони)»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 44-сон, 507-модда) қарорларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **бюроман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 16 июлдаги 2009-40-сонли «Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2000, 2009 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 36-сон, 394-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 31 январь  
2014-04-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-  
риш ва ривожлантириш маркази Бош  
директорининг 2014 йил 31 январдаги  
2014-04-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли  
қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш  
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) 1-бандда:

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«рўйхатдан ўтказувчи орган — Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ва унинг ҳудудий органлари;»;**

ўн тўққизинчи хатбошидаги «Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига» деган сўзлар «ЯДРга» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) 31-банднинг «в» кичик бандидан «ва рисолани» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 35-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади) ёки унинг ҳудудий органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ўз навбатида чиқариш тўғрисидаги қарорда мавжуд барча ахборотнинг ишончилиги ва тўлиқлигини тасдиқловчи эмитентнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи ёки коллегиял ижроия органи раҳбари вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек эмитентнинг бош ҳисобчиси (унинг вазифасини бажарувчи бошқа шахс) томонидан имзоланиши керак. Агар эмитентнинг жорий фаолиятини бошқариш тижорат ташкилотига берилган бўлса, чиқариш тўғрисидаги қарор мазкур ташкилот раҳбари томонидан имзоланиши керак.»;

д) 40-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инвестиция фондлари учун — мазкур Қоидаларнинг 2в-иловасига.»;  
қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Рисолага эмитент юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, банклар бўлган тақдирда эса — банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси илова қилинади.»;

е) 42-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«42. Рисола ўз навбатида рисолада мавжуд барча ахборотнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқловчи эмитентнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи ёки коллегиял ижроия органи раҳбари вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек эмитентнинг бош ҳисобчиси (унинг вазифасини бажарувчи бошқа шахс) томонидан имзоланиши лозим. Агар эмитентнинг жорий фаолиятини бошқариш тижорат ташкилотига берилган бўлса, рисола мазкур ташкилот раҳбари томонидан имзоланиши керак.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот мажбурий тарзда жалб этилган тақдирда, рисола унда кўрсатилган акция тўлови ҳисобига киритиладиган мол-мулкнинг баҳолаш қиймати тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаган ҳолда баҳоловчи ташкилот томонидан ҳам имзоланиши шарт.

Қўшимча таъминотга эга облигациялар чиқарилган тақдирда қўшимча таъминот тақдим этган шахс қўшимча таъминот тўғрисидаги ахборотнинг тўғрилигини тасдиқлаган ҳолда рисолани имзолаши шарт.

Облигациялар чиқарилиши бўйича қўшимча таъминот тақдим этган шахс тугатилганда (вафот этганда), эмитент бу тўғрисида унга маълум бўлган пайтдан икки иш куни ичида мазкур чиқарилишдаги облигация эгаларини ва рўйхатдан ўтказувчи органни ёзма хабардор қилиши шарт.»;

ж) 43-бандда:

«б», «в», «ж», «з» ва «и» кичик бандлардан «(икки нусхада)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«г» ва «к» кичик бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 44-банднинг «г» ва «д» кичик бандлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«г) эмитентнинг охириги уч йил давомида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидлик бўйича ижобий кўрсаткичлари мавжудлигини тасдиқловчи аудиторлик ташкилоти ҳулосасининг аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган нусхаси;

д) эмитентнинг облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланган санадаги ўз капитали миқдорини (Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида) тасдиқловчи аудиторлик ташкилоти ҳулосасининг аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган нусхаси;»;

и) 46-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«46. Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва рисола эмитент томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга қоғоз кўринишда тақдим этилади.»;

к) ўзбек тилидаги матннинг 49-бандидаги «кундан бошлаб, бироқ» деган сўзлар «кундан бошлаб уч ой ичида, бироқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 57-бандда:

«а» кичик банддаги «акциядорлик компания ва холдинглар» деган сўзлар «хўжалик бирлашмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «бошқармаларида» деган сўз «органларида» деган сўз билан алмаштирилсин;

м) 58-банднинг учинчи хатбошисидagi «бошқармаларига» деган сўз «органларига» деган сўз билан алмаштирилсин;

н) 60-бандда:

«б» кичик банддан «— икки нусхада» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«д» кичик банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаларининг» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг худудий органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«е» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«з» кичик банддан «(икки нусхада)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

о) 61-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкени бошқариш давлат қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг худудий органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

п) қўйидаги мазмундаги 64<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«64<sup>1</sup>. Давлат муассасаси акциядорлик жамияти этиб ўзгартириляётганда акцияларни бирламчи чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш мазкур боб талабларига мувофиқ амалга оширилади.»;

р) 65-банддаги «рисоланинг тўрт нусхасини» деган сўзлар «рисоланинг бир нусхасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) 66-банддаги «Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор ва рисолани» деган сўзлар «Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

т) 67-банддан «ва рисола уч нусхада» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

у) 69-банддаги «беш» деган сўз «икки» деган сўз билан алмаштирилсин;

ф) 72-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«72. Қимматли қоғозлар очик обуна йўли билан жойлаштирилганда эмитент қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотни ва рисолада мавжуд ахборотдан исталган манфаатдор шахснинг фойдаланиш тартибини ошкор қилиши шарт. Бунда қимматли қоғозлар қўшимча чиқарилишини қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ошкор этилганидан кейин камида икки ҳафта олдин очик обуна йўли билан жойлаштириш тақиқланади.»;

х) 74-бандда:

«а» кичик банддаги «олувчи ўртасида олди-сотди шартномаси» деган сўзлар «олувчи ўртасида тегишли шартнома» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банднинг бешинчи хатбошисидagi «қимматли қоғозларини» деган сўзлар «қимматли қоғозлари ва (ёки) улушларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошидаги «Акцияларни» деган сўз «Қимматли қоғозлар ва (ёки) улушларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ц) ўзбек тилидаги матннинг 89-банди биринчи хатбошисидаги «бўлим» деган сўз «боб» деган сўз билан алмаштирилсин;

ч) 91-бандда:

«а» кичик банддан «(икки нусхада)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«г» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;»;

ш) ўзбек тилидаги матннинг 92-банди тўртинчи хатбошисидаги ва 105-банди «г» кичик бандидаги «бўлимида» деган сўз «бобида» деган сўз билан алмаштирилсин;

э) 99-банднинг биринчи хатбошисидаги «беш кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида бу тўғрисидаги ахборотни нашр этиши» деган сўзлар «икки иш кун мобайнида бу тўғрисидаги ахборотни ошкор этиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ю) 103-банд «, агар конун ҳужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

я) 108-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бу ҳолатда қўшимча ва (ёки) қайта ишланган ҳужжатларни тақдим этиш санаси қимматли қоғозлар чиқарилишини ҳамда илгари рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этилган сана деб ҳисобланади.».

3. Қоидаларнинг 2-иловасида:

««КЕЛИШИЛГАН», Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, (раҳбарнинг лавозими, Ф.И.Ш., имзо) (сана) \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. М.Ў.» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги изоҳлар билан тўлдирилсин:

«Изоҳлар:

1. Қимматли қоғозларга ёпиқ обуна ўтказилганда (қимматли қоғозларнинг янги чиқарилишида) эмиссия рисоласида 1 — 5, 7 — 10, 13 — 18, 22, 23-бандлар, 24-банднинг «а», «б», «в» ва «г» кичик бандлари, 25-банднинг «б», «е» ва «л» кичик бандлари, 26-банднинг «б», «ж» ва «м» кичик бандлари, 27 — 31 ва 39-бандлар тўлдирилади.

2. Эмиссия рисоласида банд ва кичик бандларнинг рақамланиши эмиссия рисоласининг ҳақиқатда тўлдирилган банд ва кичик бандларидан келиб чиқиб амалга оширилади.».

4. Қоидаларнинг 2а-иловасида:

«ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН» деган сўз «ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАЁТГАН» деган сўз билан алмаштирилсин;

«Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар

«Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«, чиқарилиш шакли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси буйруғининг» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи буйруғининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33-банднинг «к» кичик бандидаги «Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармасининг» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Қоидаларнинг 26-иловаси қуйидаги мазмундаги изоҳлар билан тўлдирилсин:

«Изоҳлар:

1. Қимматли қоғозларга ёпиқ обуна ўтказилганда (қимматли қоғозларнинг янги чиқарилишида) эмиссия рисоласида 1 — 5, 7 — 10, 13 — 16, 18, 19, 30, 31-бандлар, 32-банднинг «а», «б», «в» ва «г» кичик бандлари, 33-банднинг «б», «е» ва «л» кичик бандлари, 34-банднинг «б», «ж» ва «м» кичик бандлари, 35 — 39 ва 48-бандлар тўлдирилади.

2. Эмиссия рисоласида банд ва кичик бандларнинг рақамланиши эмиссия рисоласининг ҳақиқатда тўлдирилган банд ва кичик бандларидан келиб чиқиб амалга оширилади.».

6. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда 2в-илова билан тўлдирилсин.

7. Қоидаларнинг 5-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

*Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси раиси*

**А. АБДУҲАКИМОВ**

*2014 йил 31 январь*

*Марказий банк раиси*

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

*2014 йил 31 январь*

«Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига  
2в-ИЛОВА

## ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИНИНГ ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ

«ТАСДИҚЛАНГАН»

\_\_\_\_\_

(фонднинг номи)

\_\_\_\_\_

(фонд кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва имзоси)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ -сон

М.Ў.

## ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ

\_\_\_\_\_

(фонднинг тўлиқ номи)

Идентификация рақами берилди:																			
-------------------------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

\_\_\_\_\_

(акцияларнинг тури ва сони)

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи номи:

\_\_\_\_\_

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи раҳбари:

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О., имзо)

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи бош бухгалтери:

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О., имзо)

\_\_\_\_\_

Мухр

\_\_\_\_\_

Сана

Акциялар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи: \_\_\_\_\_

Инвестиция маслаҳатчиси билан тузилган шартнома рақами ва санаси: \_\_\_\_\_

Инвестиция маслаҳатчиси раҳбарининг Ф.И.О. ва имзоси: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Мухр

\_\_\_\_\_

Сана

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИДАГИ АХБОРОТНИ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ФАКТИ БИЛАН ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРМАЙДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ 58-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАНЛАШ ВА МУВОФИҚ РАВИШДА УШБУ ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТИТОРНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.

### 1. Фонд тўғрисидаги асосий маълумотлар

1. Фонднинг тўлиқ ва қисқартирилган номи: \_\_\_\_\_

Фонд ишончли бошқарувчиси раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми: \_\_\_\_\_

Фонд ишончли бошқарувчиси бош бухгалтерининг фамилияси, исми, отасининг исми: \_\_\_\_\_

2. Фонднинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва тури (очик/ёпик): \_\_\_\_\_

3. Фонднинг жойлашган ери ва банк реквизитлари: \_\_\_\_\_

Тўлиқ почта манзили: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Расмий веб-сайти: \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва унинг жойлашган ери: \_\_\_\_\_

Фонд солиқ органининг номи ва СТИР: \_\_\_\_\_

4. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, фонднинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами: \_\_\_\_\_

Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар: \_\_\_\_\_

5. Фонднинг фаолият муддати: \_\_\_\_\_

6. Фаолиятнинг асосий йўналишлари: \_\_\_\_\_

7. Устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилаётган барча фонд акциядорларининг рўйхати (биринчи эмиссияда тўлдирилмайди):

Акциядорлар — юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки акциядорлар — жисмоний шахсларнинг Ф.И.О.	Акциядорлар — юридик шахсларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки акциядорлар — жисмоний шахсларнинг паспорт маълумотлари	Акциядорнинг устав капиталидаги улуши	
		сони доналарда	улуш % да
1	2	3	4

8. Фонд ишончли бошқарувчиси тўғрисидаги маълумотлар:

Тўлиқ почта манзили: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Расмий веб-сайти: \_\_\_\_\_

Жойлашган ери ва банк реквизитлари: \_\_\_\_\_

Тўлиқ почта манзили: \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи банкнинг номи ва унинг жойлашган ери: \_\_\_\_\_

Фонд солиқ органининг номи ва СТИР: \_\_\_\_\_

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами: \_\_\_\_\_

Ўз маблағларининг миқдори, минг сўмда: \_\_\_\_\_

Инвестиция активларини ишончли бошқарувчи сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга берилган лицензиянинг рақами ва санаси, шунингдек лицензияни берган орган: \_\_\_\_\_

9. Эмиссия рисоласи тасдиқланган пайтдаги фонд кузатув кенгаши барча аъзоларининг рўйхати:

Кузатув кенгаши аъзосининг Ф.И.О.	Ҳозирги вақтда ва охириги 3 йилдаги эгаллаган лавозимлари	Фонд устав капиталидаги улуши	
		сони доналарда	улуш % да
1	2	3	4

10. Фонд таъсисчиларининг рўйхати (фақат акцияларнинг биринчи чиқарилишида тўлдирилади):

Таъсисчилар — юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки таъсисчилар — жисмоний шахсларнинг Ф.И.О.	Таъсисчилар — юридик шахсларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки таъсисчилар — жисмоний шахсларнинг паспорт маълумотлари	Фонд устав капиталидаги улуши	
		сони доналарда	улуш % да
1	2	3	4

11. Фонднинг аффилиланган шахслари рўйхати:

Аффилиланган — юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки аффилиланган — жисмоний шахсларнинг Ф.И.О.	Аффилиланган шахс деб ҳисобланишининг асоси	Аффилиланган шахснинг фонд устав капиталидаги улуши	
		сони доналарда	улуш % да
1	2	3	4

12. Устав капиталида фонд 5 ва ундан ортиқ фоиздаги улушга эга бўлган барча юридик шахсларнинг рўйхати:

Номи	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Жойлашган ери	Фонднинг юридик шахс устав капиталидаги улуши	
			сони доналарда	улуш % да
1	2	3	4	5

13. Фонднинг барча ваколатхоналари ва филиаллари рўйхати:

<b>Тўлиқ номи</b>	
<b>Жойлашган ери</b>	
<b>Очилган санаси</b>	

14. Фонднинг барча шўба ва тобе жамиятлари рўйхати:

<b>Тўлиқ номи</b>	
<b>Жойлашган ери</b>	
<b>Ташкил этилган санаси</b>	

12, 13 ва 14-бандларини тўлдиришда салбий жавоб берилган ҳолда тўлиқ, тушунарли жавоблар бериш мақсадга мувофиқдир, масалан: фонд ваколатхоналар, шўба ва тобе жамиятларга эга эмас.

15. Қимматли қоғозлар бозорига инвестиция фонди сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга лицензия берилган санаси, рақами ва лицензия берган орган, шунингдек фондда мустақил рейтинг баҳосининг мавжудлиги.

## 2. Фонднинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар

16. Охириги уч йил мобайнидаги ёки фонд ташкил топган пайтдан бошлаб, агар бу муддат уч йилдан кам бўлса, ҳар бир тугалланган йил учун фонднинг бухгалтерия баланслари ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботларининг нусхалари.

17. Эмиссия рисоласи тасдиқланишидан олдинги охириги чораклик якуни ҳолати бўйича фонднинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботининг нусхалари.

18. Ташқи аудитор тўғрисидаги ахборот:

Аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми: \_\_\_\_\_

Лицензия берилган санаси ва рақами: \_\_\_\_\_

Фонднинг аудиторлик ташкилоти номи ва унинг жойлашган ери: \_\_\_\_\_

19. Фонднинг олдинги ташқи аудиторлари тўғрисидаги ахборот (охириги тугалланган уч йил учун):

Аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми: \_\_\_\_\_

Лицензия берилган санаси ва рақами: \_\_\_\_\_

Фонднинг аудиторлик ташкилоти номи ва унинг жойлашган ери: \_\_\_\_\_

20. Устав бўйича захира фондининг миқдори, % да: \_\_\_\_\_

Захира фондининг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги ҳақиқий миқдори, минг сўмда: \_\_\_\_\_

Бунда, соф фойдадан ажратмалар ҳисобига шакллантирилган захира фондининг улуши, минг сўмда: \_\_\_\_\_

Охириги уч йил учун захира фонди воситаларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисобот, минг сўмда:

Захира фонди воситаларидан фойдаланилишнинг йўналиши	20__ й.	20__ й.	20__ й.
1	2	3	4

Агар захира фонди акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санада шаклланмаган бўлса, бунини жавобда акс эттириш лозим.

21. Охирги тугалланган уч молиявий йил учун фойда фойдаланилишининг асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўмда:

<b>Тоифа</b>	<b>20 й.</b>	<b>20 й.</b>	<b>20 й.</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
Ишончли бошқарувчига тўланган мукофотлар ва бошқа суммалар			
Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва депозитарийга кўрсатилган хизматлари учун тўланган суммалар			
Дивидендлар			
Фойдадан бошқа йўналишлар бўйича фойдаланилган суммалар (олдинги тоифаларга киритилмаган)			
Жами			

22. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар миқдори, минг сўмда:

<b>Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар турлари</b>	<b>Қарз суммаси</b>
<b>1</b>	<b>2</b>

23. Охирги ҳисобот санасидаги бошқа кредиторлар бўйича қарзларнинг умумий суммаси, минг сўмда: \_\_\_\_\_

24. Дебитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар, минг сўмда (энг кам иш ҳақи суммасининг 1000 баробаридан ошган қарз кўрсатилади):

<b>Дебиторнинг номи</b>	<b>Жойлашган ери</b>	<b>Қарз суммаси</b>	<b>Қарзни узиш муддатлари</b>	<b>Ундириш умидсиз бўлган қарздорлик муддатлари</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>

25. Фондга давлат органлари томонидан охирги уч йил мобайнида қўлланилган иқтисодий санкциялар тўғрисидаги маълумотлар:

- а) санкция қўлланилган саналар \_\_\_\_\_;
- б) санкцияни қўллаган орган \_\_\_\_\_;
- в) санкция қўллаш сабаблари \_\_\_\_\_;
- г) санкциялар миқдори, сўмда \_\_\_\_\_.

26. Фонд амалда жавобгар ёки даъвогар сифатида қатнашаётган суд жараёнларининг мавжудлиги тўғрисидаги ахборот (иштирок этаётган ишлар сони, даъво суммаси ва тарафлар).

27. Фонднинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар:

- а) уставга кўра устав капиталининг миқдори, сўмда \_\_\_\_\_;

- б) бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича устав капиталнинг миқдори, сўмда \_\_\_\_\_;
- в) устав капитали тўланган қисмининг ҳажми, сўмда \_\_\_\_\_;
- г) акциялар бўйича номиналига нисбатан охириги уч йил натижалари юзасидан фоиз ҳисобида тўланган даромадлар:

	20 й.	20 й.	20 й.
1	2	3	4
<b>Одий акциялар бўйича</b>			

- д) мавжуд акцияларни йириклаштириш ёки паст номиналдаги акцияларга майдалаш (охирги уч йил учун):

<b>Йириклаштириш</b>		<b>Майдалаш</b>	
эски баҳоси, сўмда	янги баҳоси, сўмда	эски баҳоси, сўмда	янги баҳоси, сўмда
1	2	3	4

28. Аввалги акциялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар (охирги уч йил учун), ҳар бир чиқарилиш учун алоҳида (биринчи чиқарилишда тўлдирилмайди):

- а) акциялар чиқарилиши учун асос \_\_\_\_\_;
- б) давлат рўйхатидан ўтказилган санаси, чиқарилишнинг идентификация рақами \_\_\_\_\_;
- в) жойлаштиришни бошлаш санаси \_\_\_\_\_;
- г) жойлаштиришни тугатиш санаси \_\_\_\_\_;
- д) акциянинг номинал қиймати, сўмда \_\_\_\_\_;
- е) номинал қиймати бўйича чиқарилиш ҳажми, сўмда \_\_\_\_\_;
- ж) чиқарилган акцияларнинг умумий сони, донада \_\_\_\_\_;
- з) жойлаштирилган акциялар расмий листингга киритилган савдолар ташкилотчисининг номи ва манзили \_\_\_\_\_;
- и) охириги йил учун акциялар нархларининг тақсимланиши, биржа ёки биржадан ташқари савдоларда расмий рўйхатдан ўтказилган юқори ва пастки нархлар кўрсатилган ҳолда \_\_\_\_\_;
- к) акцияларни чиқаришдан мақсад \_\_\_\_\_.

### **3. Келгуси акциялар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари**

29. Келгуси акциялар чиқарилишини муомалага киритиш шартлари:

- а) чиқарилишдаги акциялар тури \_\_\_\_\_;
- б) чиқарилишдаги акциялар сони \_\_\_\_\_;
- в) чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати, сўмда \_\_\_\_\_;

- г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича), сўмда \_\_\_\_\_;
- д) чиқарилишдаги ҳар бир акция билан тақдим этиладиган ҳуқуқлар \_\_\_\_\_;
- е) акцияни жойлаштириш усули, шунингдек ёпиқ обуна бўлган тақдирда ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилиши амалга ошириладиган шахслар доираси кўрсатилади \_\_\_\_\_;
- ж) акцияни жойлаштиришнинг муддати ва тартиби \_\_\_\_\_;
- з) акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби \_\_\_\_\_;
- и) акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган фонд бошқарув органи ва қабул қилган санаси \_\_\_\_\_;
- к) фонд уставида акциялар эмиссиясига ўрнатилган ҳар қандай чеклашлар, жойлаштириладиган акцияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга нисбатан чеклашлар \_\_\_\_\_;
- л) акцияларни чиқаришдан мақсад \_\_\_\_\_.

30. Акцияларга тўлов пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулкнинг рўйхати кўрсатилсин.

Чиқарилиш амалга ошмаган деб ҳисобланадиган чиқарилган акцияларнинг жойлаштирилмаган улуши (бундай улуш чиқарилган акцияларнинг умумий сонининг 60 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас).

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда фонд томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби.

31. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни сақлаш ва ҳисобга олиш, шу жумладан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширадиган депозитарийнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ери (почта манзили), телефонини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, шунингдек тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган).

32. Акцияларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотлар (андеррайтерлар) тўғрисидаги маълумотлар:

акцияларни жойлаштиришда иштирок этувчи ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган ерларини (почта манзилларини) ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, уларнинг вазифалари, жойлаштириш усуллари ва фонд билан ушбу ташкилотлар ўртасидаги шартноманинг (шартномаларнинг) муҳим шартлари, бадал шартлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир берилган лицензияларнинг рақамлари ва саналари ҳамда уларни берган орган.

33. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва акциялар эмиссия рисоласи билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисидаги ахборот.

Акциялар чиқарилишининг шартлари жойлаштириладиган қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти, даврий босма нашрларнинг манзиллари.

34. Акциялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари).

35. Ушбу акциялар чиқарилишининг листингга киритилиши режалаштирилаётган савдолар ташкилотчиси тўғрисидаги ахборот.

36. Мазкур эмиссия рисоласида кўрсатилган барча ҳужжатлар унинг таркибий қисмидир ва улар рақамланган, тикилган ва фонднинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

**«ТАСДИҚЛАНГАН»\***

---

(баҳоловчи ташкилотнинг номи)

---

(раҳбарнинг Ф.И.О., имзо)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

М.Ў.

\* Баҳоловчи ташкилотни жалб қилиш шарт бўлган ҳолларда.

Изоҳлар:

1. Қимматли қоғозларга ёпиқ обуна ўтказилганда (қимматли қоғозларнинг янги чиқарилишида) эмиссия рисоласида 1 — 6, 8 — 11, 13 — 17, 25-26, 27-банднинг «а», «б», «в» ва «г» кичик бандлари, 28-банднинг «б», «е» ва «к» кичик бандлари, 29-30 ва 36-бандлар тўлдирилади.

2. Эмиссия рисоласида банд ва кичик бандларнинг рақамланиши эмиссия рисоласининг ҳақиқатда тўлдирилган банд ва кичик бандларидан келиб чиқиб амалга оширилади.».